

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2018  
февраль

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

**А.ҮРИНОВ, М.РАХИМОВА**

Иккинчи тартибли интегро-дифференциал тенглама учун аралаш чегаравий масала ..... 5

**А.МАДРАХИМОВ, С.КУКИЕВА**

Математик статистиканинг таҳлил қилиш усулининг бир масалага татбиғи ..... 9

**З.СИДДИҚОВ**

Математик моделлаштириш кўникмасини шакллантириш асосида талабаларни касбга йўналтириш ..... 12

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

**Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, О.ТЎЛАНОВ**

Газларнинг молекуляр-кинетик назариясининг асосий тенгламаси ..... 17

**З.ХУСАНОВ, Б.ОМОНОВ**

Умумий ўрта таълим мактабларида “Ой - Ернинг табиий йўлдоши” мавзусини ўқитиша интерфаол методлардан фойдаланиш ..... 20

КИМЁ

**М.АХМАДАЛИЕВ**

Дифурбурилиденациетон-ДИФА ҳосил бўлиш реакцияси ..... 23

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Ё.ҚАЮМОВА, Д.КОМИЛОВА, Б.БАХРОМОВА**

Қўлогоғирлик сезгисининг турли ёшдаги болаларда ривожланишининг психофизиологик хусусиятлари ..... 28

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

**Р.ПИРНАЗАРОВ**

Қурбонкўлнинг пайдо бўлиши ва кўл ҳавзасининг табиий шароити ..... 31

**У.МИРЗАЕВ**

Исфайрам-Шоҳимардонсои конус ёйилмалари тупроқлари шўрланиш ва шўрсизланишининг умумий қонуниятлари ..... 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

**А.ЭРГАШЕВ**

Реал сектор корхоналарини инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари ..... 39

ТАРИХ

**С.ШАДМАНОВА**

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг санитар аҳволи ва муаммолари ..... 43

**Б.УСМОНОВ**

Одилшоҳ Жалойир исёни: сабаб, жараён ва оқибат ..... 47

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**Т.АБДУЛЛАЕВ**

Фанлар интеграциялашувида фалсафанинг ўрни ..... 51

УДК:378.14+51(077)

## МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ КҮНИКМАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБГА ЙҰНАЛТИРИШ

### 3. Сиддиқов

#### *Аннотация*

Мақолада олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларга математиканы үқитишида махсус фанларни ўргатилиши ва бўлғусидаги касбий фаолиятни амалга оширилиши учун талаб қилинадиган математик тайёргарлик даражасининг шакллантирилишида зарур бўладиган математик моделлаштириши күникмалари баён қилинган.

#### *Аннотация*

*В статье излагаются навыки математического моделирования, необходимые для формирования у студентов высших учебных заведений, в процессе обучения математике, уровня математической подготовленности, требуемого для изучения ими специальных предметов и осуществления в будущем профессиональной деятельности.*

#### *Annotation*

*This article is about several mediums and methods how to develop High Education students' competence in further teaching mathematics according to demands. Moreover it includes essential mathematic preparation in modeling competence.*

**Таянч сўз ва иборалар:** математик модель, минимум, максимум, методика, функция, функционал боғлиқлик, компонент, оптимизация, мақсадли функция.

**Ключевые слова и выражения:** математическая модель, минимум, максимум, методика, функция, функциональная зависимость, компонент, оптимизация, целевая функция.

**Key words and expressions:** mathematic model, minimum, maximum, method, function, functional dependence, component, optimizing, objective function.

Олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларда махсус фанларни ўргатилиши ва бўлғусидаги касбий фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган математик тайёргарлик даражасининг шакллантирилиши талаб этилади.

Унда таълим олиш учун зарур бўлган билим ва сифатларнинг ривожланиши уларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган реал масалалар ва ҳолатларнинг математик моделларини шакллантириш ва тадқиқот қилиш орқали амалга оширилади [1.214].

Биз қўйидаги математик моделларни ўрганиб чиқамиз:

- берилган критерияларга нисбатан жараённинг ўтиб бориши ёки мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг оптималь вариантини излаб топишга имконият яратувчи оптимизацион моделлар;

- мавқелари диаметрал қарама-қарши бўлган икки томон учун имкони борича йўқотувларни камайтириш билан боғлиқ бўлган низоли вазиятларни бартараф қиласидиган ноль суммали ўйин моделлари;

- бетайн, мужмал вазиятлар, ҳолатларда теран қарорларнинг қабул қилишни ривожлантирадиган табиат билан ўйинлар.

Кўрсатилган моделларнинг ўрганилиши,

афсуски техника йўналишидаги олий таълим муассасаларидаги математика асосий курсларига кирмаган. Асосий дикқат эса масалалар ечишни ўргатилиши ва амалий негизга эга бўлган вазиятларни кўриб чиқилишига қаратилади. Шу каби бўлғуси мутахассис фаолияти давомида практик услубларнинг эгалланилишига асосланган ўргатувлар, бизнинг фикримизга кўра, математикага ўргатилишнинг операцион компоненти сифатида ифодаланиб, талабаларда бошқарув кўникмалари ва билимларини шакллантиради ва уларни ишлаб чиқариш – бошқарув фаолиятини бажаришга тайёрлади.

Оптимизацион деб ном олган моделлаштириш усулларини ўргатиш методикасини кўриб чиқайлик.

Бу методлар билан таништираётib, талабаларга, кўп ҳолатларда, қайси бир жараён ёки вазиятларни мақсадга мувофиқ равища бошқараётган пайтида, қайси ҳаракат яхши натижаларга, қайси бири ёмонга етаклаб боришигини, тақосланишига эса имконият мавжуд бўлишига ва ҳар бир ҳаракат натижасига баҳо бериш мумкинлиги ҳақида тушунтириш зарур.

Оптимизация амалга оширилиши зарур бўлган маълум бир жараён, умумий кўринишда, жараён ўтишини белгилаб берувчи бир неча параметрларни боғлаб турган

3. Сиддиқов – ФарДУ ҳузуридағы ХТХҚТМОҲМ табиий ва аниқ фанлар таълими кафедраси ўқитувчиси.

## МАТЕМАТИКА

муносабатларнинг мажмуаси кўринишига эга бўлади.

Ушбу кўп сонли  $x$  параметрлардан биз бошқарувнинг кўп сонли и ўзгарувчиларини, яъни жараённи бошқараётган шахснинг хукмига қарашли бу ўзгарувчиларнинг қийматларини ажратиб оламиз.

Агар бошқарув ҳар бир ҳаракатининг натижасини миқдорий кўринишда аниқлаш мумкин бўлса, демак, мазкур моделдаги мумкин бўлган  $i \in U$  бошқарувига  $\Phi(u)$  қийматини таққослаб беришнинг имкониятига эга бўлган  $\Phi$  мақсадли функция маълумдир.

Энг яхши қўлланиш, қоидага кўра, топилиши оптимал  $u$  бошқарилишини таъминловчи мақсадли  $\Phi(u)$  функциянинг максимал ёки минимал қийматини топишдан иборат бўлади.

Бу типдаги масалалар “оптимизациялашган” деган номга эгадир. Худди шу номга, уларни тасвиrlаб берувчи ва ушбу моделларнинг қурилишига имкон берувчи методлар киради.

Оптимизационлилар орасидан, чизиқли программалаштириш масалалари номини олган моделларни ажратиб олиш мумкин. Ушбу моделларни қура билишигини шакллантираётib, чизиқли программалаштириш турли хил ишлаб чиқариш масалаларининг ечилиши сабабидан пайдо бўлганлигини талабаларга алоҳида тушунтириш керак [2.67].

Умумий ҳолда бу масалалар қуйидаги кўринишда ифодаланади. Айтайлик, тегишли равишда  $b_1, b_2, \dots, b_m$  га teng miқdororda mavjud bўlган (умуман олганда ҳаммаси билан  $m$  хил xomashёdan  $n$  хил maҳsulot iшlab чиқariлиши mumkin. Maҳsulot  $g$  turinинг bir donasi baҳosi  $c_g$  ga teng. Bir dona  $g$  maҳsulotni iшlab чиқariлиши учун  $a_{ig}$  ga teng bўlган miқdordagi xomashёning  $i$  turini sарfлаш зарур. Қайси turdagи maҳsulotni iшlab чиқariш энг fойдалiroқ bўлади?

Гап ўта тор маънодаги вазият ҳақида кетаётганилиги учун “энг фойдали” сўзлари остида, mavjud bўlган xomashё nisbatan kўйилган cheklolarni inobatga oлgan ҳolda, iшlab чиқariлган maҳsulotning энг катта қийматини тушунамиз.  $x_g$  orқали  $g$  maҳsulotning iшlab чиқariлаётgan ҳажмини belgilaymiz. Bu ҳolda, biz maksimumi axtarilaётgan, maқsadli функция  $\sum_{g=1}^n c_g x_g$  кўринишда ёзилиши mumkin.

Чекловларни ҳисоблашга ўтамиш:

аввало, iшlab чиқariлаётgan maҳsulotlarning miқdorlari manfib bўla

olmasliklari, яъни:  $x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, \dots, x_n \geq 0$ . эканлиги тушунарлиdir. Сўнgra, bir dona  $g$  maҳsulotni чиқariлиши учун  $i$  xomashёning  $a_{ig}$  miқdoriда sарfлаш kerak эканлиги сабабli, шu нарса аниқki, ушбу maҳsulotning  $x_g$  miқdori учун  $i$  xomashёning  $a_{ig} x_g$  miқdori talab этилар экан. Modomiki, xomashёning bir turinинг ўзи bir қанча maҳsulot turlari ni tайёрлашга iшlatiliishi mumkin экан, unda ҳar bir turdagи xomashёning umumiy sарfлari mavjud bўlган resurslardan oшmasligi зарур bўлади:

$$\sum_{g=1}^n a_{ig} x_g \leq b_i, i=1,2,\dots,m.$$

Mutlaқ равиша қейинги масалага ўтамиш: Шартланишига кўра:

$$1. x_g \geq 0, g=1,2,\dots,n.$$

$$2. \sum_{g=1}^n a_{ig} x_g \leq b_i, i=1,2,\dots,m$$

bўlган  $\max_{\{x_g\}} \sum_{g=1}^n c_g x_g$  топилсин.

Ҳар қандай 1- ва 2-shartlarни қanoatlantiruvchi  $x_1, x_2, \dots, x_n$  қийматларнинг йигиндинисини эҳtimolga яқин режа, deb қabul қilaylik. Maқsadli функцияning maksimumiga эга bўlган эҳtimolga яқин режанинг ўзи оптимал режа bўlib ҳисобланади.

Kelтирилган масалада maқsadli функция va barcha cheklanmalar chiziқlidir, shuning учун bu масалалар “chiziқli программалаштириш масалалари”, деган номни олган.

Қуйida chiziқli программалаштириш масалалarini echiшni ўргatiш metodikasini kўrib chiqamiz.

**Масала.** Цехдаги tokарь, chilangar, pайvandlovchi va bўyash – қадoқлаш участкаларни kўshimcha iш билан тегишли равиша 16, 18, 12 va 10 соатга юклатилишининг имконияти mavjud. Buning учун vintli domkrat va kran йўlinining tаянч асосини iшlab чиқariш taklif этилмоқда. 1- жадвалda ҳar bir участкада taklif этилаётgan maҳsulotlar тури учун зарур bўladigan vaqt (soatlarدا) kўrsatilgan. O қиймати – mazkur участка iшlab чиқariшda қatnashmайдi, deganidir. Agar bir dona domkratni iшlab чиқariлиши учун энг катта foydанинг 4 birligi, tаяnch nuktasini iшlab чиқariлиши учун esa энг катта foydанинг 3 birligini taşkil etsa, taxmin этилаётgan maҳsulotlarni iшlab чиқariш режасини tuzish talab қилинади.

## 1- жадвал

Маҳсулотлар	Участкалар			
	Токарь	Слесарь	Пайванд-ловчи	Бўяш-қадоқлаш
Винтли домкрат	4	3	0	1
Кран йўлининг таянч нуқтаси	0	2	3	2
Мумкин бўлган кўшимча чеклатилиш (соатларда)	16	18	12	8

**Ечиш.** Бу каби бир хил хомашёдан турли хил қийматларга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳолатлари, ишлаб чиқариш амалиётида жуда ҳам кўп учрайди. Мазкур ҳолатда хомашё сифатида вақт олинган.

Масаланинг математик моделини тузайлик.  $x$  орқали тайёрланган домкратлар сонини,  $y$  орқали эса таянч нуқталар сонини белгилайлик. Биринчи участкада домкратлар ишлаб чиқарилиши учун  $4x$  га ва таянч нуқталарини ишлаб чиқарилиши учун  $0y$  га тенг вақт сарфланади.

Ушбу участкадаги иш вақти 16 соатдан ошиши мумкин эмаслиги сабабидан  $4x + 0y \leq 16$ ,  $4x \leq 16$ . деб ёзишимиз мумкин. Худди шу тарзда фикр юритиб, қолган участкалар учун белгиланган чекловларни ҳам  $3x + 2y \leq 18$ ,  $3y \leq 12$ ,  $x + 2y \leq 8$ . деб ёзишимиз мумкин. Бунда  $x \geq 0$ ,  $y \geq 0$ . чиқарилаётган маҳсулотларнинг миқдори манфий бўлмаган рақам билан ифодаланади, демак қабул қилинган чекловларнинг ийғиндиси шартлари билан тўлдирилади.  $x$  ва


у қийматлар барча тузилган тенгсизликларни қаноатлантиришлари керак ва шу сабабли

$$\begin{cases} x \leq 4, \\ 3x + 2y \leq 18, \\ x + 2y \leq 8, \\ y \leq 4, \\ x \geq 0, \\ y \geq 0. \end{cases} \quad (2)$$

системани ёзишимиз мумкин бўлади.

Масала шартига биноан,  $x$  домкратларни сотилишидан цех фойданинг 4 бирлигини, таянч нуқталарини сотилишидан эса 3 бирлигини киритиши мумкин бўлиб, демак умумий фойда  $z = 4x + 3y$ . (3) кўринишдаги мақсадли функция орқали ифодаланиши мумкин.

Демак, масала (2) соҳадаги (3) максимал қийматни излаб топилиши билан чекланади. Чеклов худудини кўрамиз (1- расм).



Ёпиқ  $OABC$  тўртбурчакка эга бўламиш (1- а) расм). Кейин мақсадли функцияянинг графигини кўриб (1-б) расм), унинг юқорига ва ўнгга ҳаракатлананаётган пайтдаги  $OABC$  чекланган худудидан чиқиб кетиш нуқтасини топамиш.  $B(4;2)$  нуқтасига эга бўламиш (1- в) расм).

Бошқача йўл тутиш ҳам мумкин:  $OABC$  тўртбурчак учларининг координаталарини

мақсадли функция ичига киритиб, максимал қийматни топиш мумкин:

$$Z_A = 4 \cdot 0 + 3 \cdot 4 = 12 \text{ (бирлик)},$$

$$Z_B = 4 \cdot 4 + 3 \cdot 2 = 22 \text{ (бирлик)},$$

$$Z_C = 4 \cdot 4 + 3 \cdot 0 = 16 \text{ (бирлик)}.$$

га эга бўламиш.

## МАТЕМАТИКА

О нүкта (0;0) режаси билан бирга текширув пайтида ҳисобга олинмаслиги мумкинлиги тушунарлидир.

Бу ҳолатда эңг катта фойда яна В нүктанинг координаталарига, яъни 4 та домкрат ва 2 таянч нүктасининг ишлаб чиқарилишига тўғри көлади. Шу билан бирга цех миқдори 22 бирликка тенг бўлган мумкин қадар максимал даражадаги фойдага эга бўлади.

Низоли вазиятлар бартараф этилишининг амалий мисолида қуйидаги ўйинни кўриб чиқишни талабаларга таклиф қилайлик.

**Масала.** Машиналар сақланадиган омборнинг ҳовлисида 12 нафар буғдои ўрувчи комбайн (4 машинадан 3 қатор) лар жойлашган. Уларни талабалардан тузилган икки нафар бригада орасида тақсимлаш керак. Комбайнларнинг техник ҳолати матрица кўринишида келтирилган:

$$\begin{pmatrix} 4 & 3 & -2 & 1 \\ 6 & 1 & -3 & 7 \\ -3 & -1 & 8 & 7 \end{pmatrix}.$$

Бу ерда рақамлар воситасида: комбайннинг йифим-теримга тайёрлиги; йифим-теримни жиiddий бузилишларсиз (носозликларсиз) ўтказа олишнинг гарантияси (кафолати); техник кўриқдан ўтишнинг яқинлиги, яъни, одатда “машинанинг эскириб кетиши”, деб айтилиши билан ифодаланади.

**Ечиш.** Комбайнларни уларнинг техник ҳаракатларига қараб тенг қилиб бўлиб берилиши энг осон иш бўлар эди. Аммо, талабалар ёш ва демак иззатталаб, яхши техникага эга бўлишга интилади ва бунинг учун унча катта бўлмаса-да, таваккалчилик қилишга тайёрdir, негаки катта ютқазиша қолмоқчи эмаслар. Бу шароитда ёрдамга ноль суммага эга бўлган ўйин модели қўл келиши мумкин. Биз А деб белгилаган биринчи бригадага сатрни танлаш таклиф этилади, иккинчи бригадага эса уни В деб белгилайлик, бу пайтида А гуруҳга ўтиб кетадиган комбайнни танлайди. Тўғри, албатта, бу энг ёмон ҳолатга эга бўлган комбайн бўлиб чиқади. Бу машина рўйхатдан ўчирилади ва гуруҳлар ўрин алмашадилар.

Биз томондан ўйинчиларнинг эҳтиёткорлиги (хўжалик юритувчилар учун оддий ҳолат) инобатга олинади. Демак, ўйиннинг мақсади сифатида кафолатланган ютуқнинг максимизацияси туради.

Ҳар бир ўйинчи учун энг яхши ўйин усули бормикин? – деган савол гавдаланади ва оптималь равишда ўйнаётган бир ўйинчи бошқа оптималь равишдаги ўйинчи билан ўйнаётган пайтида қандай ютуқقا эга бўлиши мумкин. Бу ютуқ эса ўйин қиймати (нархи) деб аталади.

Маълум бўлишича, агар минимал ютуқларнинг энг каттаси мумкин бўлган максимал ютқазишларнинг энг кичкинасига аниқ равишда тенг бўлса, унда айнан шу сатр ва устун ўйнаётгандарнинг оптималь стратегиялари ва танловлари бўлиб чиқади. Уларнинг кесишган жойлари эгар нүктаси деб аталади.

Бизнинг мисолимизда, А гуруҳ биринчи сатрни танласин, негаки бу ҳолда у техник ҳолати – 2 бўлган машинага эга бўлади, бошқа стратегияни танлаганлари чоғида, у 3-ҳолатдаги машинага эга бўлади. В командаси ҳам худди шу сатрни танлайди, – ахир унда ижобий қийматга эга бўлган машиналар қолган-ку.

Унинг ютуғи 1 дан иборат бўлади. Иккала команда учун биринчи сатрдан чиқиб кетиш номаъқул иш бўлади ва улар тегишли равишда 3 ва 4 ларга эга бўладилар. Вариантларнинг кейинги стратегияларидан А командаси учинчисини танлаши жоиздир, 3- ни қўлга киритиб, унинг рақиби эса 1- сига эга бўлади, акс ҳолда В 2 машинага эгалик қилиши мумкин. Учинчи сатрни ўйнаб, А ва В лар 7 ва 8 ларни тегишли равишда олади.

Қолган машиналар қуйидагича ўйналади: – 3 ва 6 машиналар А гуруҳига, 1 ва 7- машиналар В гуруҳига ўтади. Ўйиннинг натижаси қуйидаги кўринишига келади:

А гуруҳи:  $-3, -3, -2, 3, 6, 7;$

В гуруҳи:  $-1, 1, 1, 4, 7, 8.$

А гуруҳи энг ёмон ҳолатга тушганлиги аниқдир. Оралиқни қисқартиришнинг иложи бормиди? Ҳа, бор. Бунинг учун ўйиннинг бошига қайтамиз.

А ва В гуруҳлари орасида, тегишли равишда икки нафар дастлабки комбайнларни – 2 ва 1 деб ўйнаб, А гуруҳи иккинчи сатрга ўтиб – 3 комбайнни эгаллайди.

Агар В гуруҳи биринчи сатрга қайтса, унда 4 А га ва 3 – В га ўтадиган алмашув амалга ошади. Кейин 1 В га ўтиб кетади, ундан сўнг А га 6,  $-3$  ва 7 ўтади.

В гуруҳ тегишли равишда – 1, 7 ва 8 ларга эга бўлади. Бундай ўйин натижасида

А гурух суммар кўринишда олдинги ҳолатдагидан 1 та ортиқ машинага эга бўлади.

Аммо, ушбу гурухга техник ҳолатлари – 3, –3 ва –2 машиналари тегди ва бу йиғимтерим ишларида жiddий қийинчиликларни келтириши аниқдир. Таваккал қилиш шунчалик зарурмиди ўзи? Буни ҳал қилиш, албатта, талабаларга боғлиқ.

Агар тўловчи матрица эгарли нуқтага эга бўлмаса, нима қилиш керак?

Масалан,  $\begin{pmatrix} 1 & -1 \\ -1 & 1 \end{pmatrix}$  матрицаси. Эгарли

нуқтага эга эмас. Бу ҳолатда муваффақиятнинг гарови маълум бир частотага эга бўлган стратегияни танлаш сингари яккаю-ягона матрица билан кўп сонли ўйнаш пайтида аниқланиши мумкин.

Оддий стратегиядан ҳоли бўлган бу каби стратегиялар аралаш деб аталади. Ноль суммали ҳар қандай ўйин учун доимий равища оптималь кўринишдаги аралаш стратегиялари мавжуд эканлиги исботланган.

Агар ўйин бир маротаба ўтказиладиган бўлса, унда, тегишли частотага пропорционал бўлган танлов эҳтимоллигини ҳар қандай оддий стратегияга солиштириб кўриладиган тасодифий танловнинг ҳолатига мос келувчи қоидадан фойдаланган ҳолда стратегияларни танлаб олиниши, ўйинчилар учун маъкулроқ бўлар эди. Аралаш стратегияларни топишликка ўргатиш амалга ошириладиган, амалий негиззга эга бўлган масалани ечиш мисолини кўриб чиқамиз.

**Масала.** Комбайн бункерини тўлдиригандан сўнг ўз вақтида автомобилга юкланилиши керак. Агар автомобиль бункернинг тўлиш вақтидан олдинроқ келадиган бўлса, унга кутишга тўғри келади ва бу ҳолда машинанинг бекор тўхтаб туриши, – 1 рақам билан белгиланган йўқотишларга олиб келади. Агарда, автомобиль кеч қолиб қелса, унда комбайннинг тўхтаб туриб қолиши анча жiddийроқ, – 4 деб баҳоланган йўқотишларга

дучор бўлади. Автомобилнинг комбайн олдига келишининг оптималь вақти аниқлансин.

**Ечиш.** Рўпарамизда икки шахснинг ноль суммали ўйини кетаяпти, деб фараз қилиб, тўлов матрицасини тузамиз:

Бункернинг тўлиши эрта кеч

$$\begin{pmatrix} 0 & -1 \\ -4 & 0 \end{pmatrix}$$

Машинанинг келиши эрта кеч

Оптималь режимни стратегия деб атайлик. Матрицада ўйин нархи (қиймати) мавжуд эмас – ҳар бир сатрдаги минимум манфий кўринишга эга, устунлардаги максимумлар эса нолга тенг. Мазкур вазиятда маълум бир частотага эга бўлган стратегиянинг танланилиши зарур.

Автомобиль ҳайдовчиси х частотасига эга бўлган биринчи стратегияни танлаган бўлсин, унда иккincinnини 1–x частота билан кўллаш шарт бўлади. Худди шу йўл билан комбайнчининг стратегиясини у ва 1–y деб қабул қиласиз. Автомобиль ҳайдовчиси эга бўладиган ўртача ютуқ

$\varepsilon(x, y) = -4y(1-x) - x(1-y) = 5xy - x - 4y$  ни ташкил этади. Мазкур функциянинг максимумини аниқлайлик:

$$\varepsilon'_x(x, y) = 5y - 1, \quad \varepsilon'_y(x, y) = 5x - 4.$$

бу ердан  $x = \frac{4}{5}$  ва  $y = \frac{1}{5}$  бўлади. Ҳосил

бўлган натижка қуйидагича тушунтирилади: автомобиль ҳайдовчиси беш ҳолатдан тўрттасида, яъни, деярли ҳар сафар бункер тўлдирилиши вақтидан олдинроқ келишга мажбур бўлади.

Демак, бу каби тўхтаб турислар эвазига келиб чиқадиган йўқотишлар пайтида комбайнларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган автомобиллар сонини ҳисоблаб аниқланиши ўзининг ичига уларни комбайннинг бункери тўлгунигача етиб бориш заруратининг мутлақ равища киритилиши шартdir.

#### Адабиётлар:

- Тожиев М., Зиёмуҳаммадов Б. Миллий педагогик технологиянинг таълим-тарбия жараёнига татбиғи ва унинг ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. Монография. – Т.: «MUMTOZ SO’Z», 2010.
- Новиков Д.А. Статистические методы в педагогических исследованиях (типовые случаи). – М.: МЗ – Пресс, 2004.

(Тақризчи: А.Ўринов, физика-математика фанлари доктори, профессор).